



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2018 йил 17 октябрь, № 215 (7173) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КИМЁ Саноатини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни кимё саноатини жадал ривожлантириш, тармоққа хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, кимё соҳаси замонавий саноатнинг "катализатори" бўлиб, ҳар қандай ишлаб чиқариш негизда кимёвий жараёнлар ётади, бу соҳасиз иқтисодиётда тараққиёт бўлмайди.

Ўзбекистон заминида Менделеев жадвалидаги қариб барча кимёвий элемент мавжуд, мамлакатимиз углеводородларга бой бўлса-да, кимё саноатимиз, асосан, қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Қурилиш материаллари, фармацевтика, тўқимачилик, машинасозлик каби тармоқлар учун зарур бўлган мураккаб полимерлар, катализаторлар, реагентлар ва синтетик тозалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган.

Бунинг оқибатида ҳар йили 1,5 миллиард долларлик кимё маҳсулотлари импорт қилинмоқда. Ишлаб чиқарилаётган фосфор ва калийли минерал ўғитлар ҳам мавжуд талабнинг фақат учдан бирини қоплайди, холос.

Мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларининг 60 — 70 фоизи эскиргани энергия ресурсларининг ортиқча сарфланиши, кимё маҳсулотлари таннархининг ошишига олиб келмоқда.

Утган йилдан минерал ўғитга талабни қондириш учун 3,1 миллиард долларлик 17 та инвестиция лойиҳаси амалга оширила бошланди. Бундан ташқари, кимё саноати маҳсулотларини диверсификация қилиш мақсадида 2025 йилгача 4,2 миллиард долларлик яна 17 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.

Шунинг учун кимё тармоғига хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш, маҳсулот ҳажми ва турини кўпайтириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш "Ўзкимё-саноат" акциядорлик жамиятининг муҳим ва устувор вазифаси бўлиши зарур.

Йиғилишда тармоқдаги камчиликларни бартараф этиш ва кимё

саноатини янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, тармоқни ривожлантириш учун янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда азотли ўғитларга талаб 73 фоиз, фосфорли ўғитларга 20 фоиз таъминланмоқда. Азотли ўғит ишлаб чиқариш қувватларининг ўртача эскириш даражаси 64 фоизни, фосфорли ўғит бўйича 77 фоизни ташкил қилади.

Соҳадаги вазиятни яхшилаш мақсадида келаси беш йилда умумий қиймати 2,8 миллиард долларлик 9 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида минерал ўғит ва сульфат кислотаси ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар кўпаяди. Азотли ва калийли ўғитларга талаб тўла қопланади, фосфорли ўғитларга эҳтиёжни қондириш даражаси бир неча баробар оширилади.

Айни пайтда табиий газнинг атиги 14 фоизи, жумладан, кимё тармоғида 5 фоизи чуқур қайта ишланмоқда. Кремний, каолин ва гипс хом ашёсидан кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш эътибордан четда қолмоқда.

Маълумотларга кўра, юртимизда ишлаб чиқарилаётган ноўғит маҳсулотлар, асосан, полиэтилен, полипропилен, полистиролга хорижий давлатлардаги эҳтиёжнинг молиявий қиймати 100 миллиард доллардан ошади. Бу эса биз учун яхши имкониятдир.

Шу сабабли кимё саноатида маҳсулотлар турини диверсификация қилиш учун органик моддалар ишлаб чиқариш бўйича 15 та ва ноорганик моддалар бўйича 8 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз мутасадди раҳбарларга ушбу лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Кимё саноатида йирик инвесторларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими

такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда; № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 384-модда) 65-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Пенсионер Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг пенсиядан ортиқча тўланган суммаларни ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик суд тартибда, бироқ унинг аниқланиш санасидан уч йилдан кўп бўлмаган давр учун ундирилади»;

иккинчи — **бешинчи қисмлари** тегишчан **учинчи** — **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

(Давоми 2-бетда).

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIGA ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан жорий йил 18 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

Давлат раҳбарлари мунтазамлик касб этган сиёсий мулоқотнинг давоми сифатида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ҳолати юзасидан фикр алмашдилар, стратегик шериклик ва иттифоқчиликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, турли соҳаларда янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболларини муҳокама қилди.

Ташриф кун тартибидан долзарб халқаро масалалар, жумладан, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига кўмаклашиш масалалари ҳам ўрин олган.

Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасида давлат ташрифи доирасида илк бор Таълим форуми ва "Ўзбекистон — Россия" хуудулараро ҳамкорлик форуми ўтказилади, шунингдек, мамлака-

тимизда атом электр станцияси қурилиши сиёсий мулоқотига бағишланган маросим бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Кўшма баёнотини қабул қилиш, 2019 — 2024 йилларда иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2019 — 2021 йилларда маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик дастури, Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги келишув, "Суффа" халқаро радиотрансномик обсерваториясини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" ҳамда икки томонлама бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ташриф асосида, шунингдек, Ўзбекистон билан Россия худудлари ва ишбилармон доиралари ўртасида йирик инвестиция ҳамда савдо шартномаларининг имзоланиши кутилмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан қўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, тез тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида қўйилган вазифаларни тўлиқ бажаришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолаётганини қайд этилсин.

Жумладан, республикада тез тиббий ёрдам хизматини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш юзасидан қабул қилинган бир неча қарорларнинг натижалари бугунги кунга қадар сезилмаяпти. Тез тиббий ёрдам чакривулларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш эскича, қўл механизмлари ёрдамида бажарилмоқда.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида беморларнинг касалхонага етиб боргунга қадар вафот этиши кўпайиб бормоқда. Тошкент, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида эса ўлим сони икки баравардан тўрт бараваргача ошган.

Мурожаатларни саралашнинг амалдаги тартиби мавжуд куч ва воситаларни энг муҳим чакривулларга хизмат кўрсатиш учун йўналтириш имконини бермайди, натижада ёлгон чакривуллар сони ошмоқда ёки сурункали касалликлари авж олган, бироқ ҳаёти хавф остида

бўлмаган беморларга хизмат кўрсатиш бўлмади.

Ажратилаётган бюджет маблағлари сифати тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имконини бермаяпти.

Тез тиббий ёрдам хизматини жадал ривожлантириш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, бу йўналишда тезкор, технология ва самарали фаолият кўрсатишга эришиш мақсадида:

1. **Шошилинч ёрдамга муҳтож ҳар бир кишига юқори сифатли тиббий хизматларни ўз вақтида кўрсатиш** тез тиббий ёрдам хизматининг устувор вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Тез тиббий ёрдам хизматида ривожлантиришга амалий кўмаклашиш ва унинг моддий-техника базасини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар 2019 йил 1 январдан бошлаб Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган маблағларни 29 фоиздан 10 фоизга камайтириш ҳолда, мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг 19 фоизи; халқаро ва хорижий молия институтларининг, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг грантлари ва техник кўмак маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан тушган даромадлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар. Жамғарманинг маблағлари қуйидагиларга сарфланиши белгилаб қўйилсин: тез тиббий ёрдам хизматининг махсус автотранспортини харид қилиш ва транспорт паркинни ўз вақтида янгилаш, шунингдек, уларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материалларни харид қилиш;

(Давоми 3-бетда).

Эксклюзив интервью

Владимир ТЮРДЕНЕВ:

«Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки мамлакат муносабатларида муҳим воқеага айланади»



Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда янада юқори босқичга кўтарилди. Муҳбирларимиз ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳамда йирик инвестициявий лойиҳалар ҳақида Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Владимир ТЮРДЕНЕВ билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар суръати қандай баҳолайсиз, улар нималарда намоён бўлмоқда? — Россия — Ўзбекистон муносабатларининг изчил ривожланишига мамлакатларимиз раҳбарлари Владимир Путин ва Шавкат

Мирзиёев ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ишончли мулоқот катта туртки берапти. Зеро, улар турли халқаро саммитлар доирасида учрашувлар ўтказиб, муҳим масалаларда мунтазам равишда телефон орқали мулоқот қилишмоқда.

(Давоми 4-бетда).



(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишни таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **134-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

учинчи қисм қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган

коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар тўлаш ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай ҳар ойда амалга оширилиши керак, бундан сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун мажбурий тўловлар олдндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида амалга оширилиши керак»;

тўртинчи — олтинчи қисмлар тегишинча **бешинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмдаги «тўртинчи» деган сўз «бешинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи қисм қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига коммунал хизматлар кўрсатиш мажбурий тўловлар уч ойдан ортқ тўланмаган тақдирда тўхтатиб турилади, бундан сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация)

хизматлари, шунингдек электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун олдндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш амалга оширилмаган тақдирда, сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) тизимларидан тўлиқ узиб қўйишгача бўлган чоралар қўрилади.

Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига электр энергияси ва табиий газ етказиб берганлик учун ушбу молданинг учинчи қисмида белгиланган мuddатда мажбурий тўловлар тўланмаган тақдирда, электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ узиб қўйишгача бўлган чоралар қўрилади».

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

«Xususiy bandlik agentligi» деган фирма номидан фақат ушбу Қонун қоидаларига мувофик фойдаланилиши мумкин. Ушбу Қонун 3-моддасининг талабларига жавоб бермайдиган юридик шахслар ўз номида «Xususiy bandlik agentligi» деган сўз бирикмасидан ва унинг асосида ҳосил қилинган сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Хусусий бандлик агентлиги ўзининг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи ва ўз жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлиши керак. Мўхрда фирма номи бир вақтнинг ўида бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Хусусий бандлик агентлиги ўз номи бўлган штамплар, бланкаларга ва ўзининг эмблемасига эга бўлишга ҳақли.

7-модда. Хусусий бандлик агентлигининг таъсис ҳужжатлари

Хусусий бандлик агентлиги таъсис ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади.

Хусусий бандлик агентлигининг таъсис ҳужжатларида юридик шахсларнинг муайян ташкилий-ҳуқуқий шакллари учун қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак: фақат ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган хизматларни кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги; таъсисчиларнинг, бошқарув органларининг тузилмаси ва ваколатлари ҳақидаги; кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ички назоратига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги.

8-модда. Хусусий бандлик агентлиги фаолиятининг мулкий асоси

Хусусий бандлик агентлигининг фаолияти ўзининг хусусий мол-мулки ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин.

Хусусий бандлик агентлиги ўз фаолиятини қайси мол-мулк асосида ва мулкий ҳуқуқлар воситасида амалга оширса, ўша мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар олди-сотди, гаров, ижара ҳамда ҳуқуқлар ва мажбуриятлари белгилash, ўзгартириш ва (ёки) тугатиш билан боғлиқ бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин.

9-модда. Хусусий бандлик агентликларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Хусусий бандлик агентликларини давлат рўйхатидан ўтказиш Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари марказлари аризачига уни хусусий бандлик агентлиги сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни ушбу агентлиқни тузиш максдага мувофиқ эмас деган вазжар билан рад этишга ёки қонунда назарда тутилмаган қўшимча талаблар белгилashга ҳақли эмас.

Аризачини хусусий бандлик агентлиги сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказиш мuddатларининг бузилиши устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан гайриқонуний деб топилган тақдирда, улар рўйхатдан ўтказишни рад этиш ёки рўйхатдан ўтказиш мuddатини бузиш тўғайли аризачига етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди ҳамда маънавий зиённи компенсация қилады.

10-модда. Хусусий бандлик агентликларининг хизмат турлари

Хусусий бандлик агентликлари қуйидаги хизмат турларини кўрсатиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш; иш берувчилар учун кадрлар танлаш; Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш; ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари.

11-модда. Хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш бўйича хизматлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш бўйича хизматлар хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахс ўртасида тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш бўйича хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

иш қидираётган шахслар тўғрисидаги ахборотни иш берувчилар ўртасида тарқатиш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш; бўш иш ўринларига эга бўлган иш берувчиларни излашни амалга ошириш; иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш берувчилар билан музокаралар ўтказиш; иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги суҳбатга тайёргарлик кўриш ҳамда музокараларда (суҳбатларда) иштирок этиш; иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги меҳнат шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

12-модда. Хусусий бандлик агентликларининг иш берувчилар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлари

Иш берувчилар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлар хусусий бандлик агентлиги ва иш берувчи ўртасида тузилган

хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатилади.

Иш берувчилар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

иш берувчиларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборотни тарқатиш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш;

ишга жойлаштириш учун мақбул номзодларни излашни амалга ошириш;

ишга жойлаштириш учун номзодлар билан музокаралар ўтказиш;

иш берувчилар ва бўш иш ўринларини эгаллашга номзодлар ўртасидаги музокараларда (суҳбатларда) иштирок этиш;

иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги меҳнат шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

13-модда. Хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлари

Хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлари уларда Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахс ўртасида тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатилади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш масаласи бўйича чет эллик шериклар билан ўз ваколатлари доирасида музокаралар (суҳбатлар) ўтказиш, шартномалар, битимлар ва баённомаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш;

эҳтимол тутилган иш берувчиларни қидириш, хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозорини ўрганиш асосида бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларга ахборот тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳлаётган шахслар ҳақидаги ахборотни фақат уларнинг розилиги билан чет эллик иш берувчилар ўртасида тарқатиш;

иш қидираётган шахсларга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун дастлабки тайёргарлик тадбирларини ўтказиш йўли билан кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлашладиган мамлакатда бўлиш қоидалари, меҳнат шaroитлари, ижтимоий ва уй-жой-مائий таъминоти, чет эллик иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида хабардор қилиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахслар билан иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини тузишга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун хусусий бандлик агентликлари захира қилинадиган сумма сарflanган тақдирда маблағларнинг ўрнини тўлдириш, шунингдек лицензия тугатилган ёки бекор қилинган тақдирда маблағларни қайтарishi шартлари билан эллик минг АҚШ долларни микдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқороларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамағрмасида захира қилиб қўяди.

14-модда. Хусусий бандлик агентликларининг ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари

Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари хусусий бандлик агентликлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида ёки бепул кўрсатилади.

Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари буюртмачини меҳнат бозори ҳолатининг таҳлили ва прогнози ҳамда унинг иштирокчилари, мазкур бозорнинг конъюнктураси, меҳнат ўтириқсиздаги қонун ҳужжатлари ҳақидаги ахборот билан таъминлашни, шунингдек ишга жойлаштириш соҳасидаги бошқа ахборотни тақдим этишни ўз ичига олади.

15-модда. Хусусий бандлик агентликлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома

Хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома хусусий бандлик агентлиги томонидан иш қидираётган шахс ва (ёки) иш берувчи билан ёзма шаклда тузилади.

Хусусий бандлик агентликлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

хизматларнинг мазмуни; хизматлар кўрсатиш мuddатлари; хизматлар кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлаш миқдори ва шартлари; шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги;

шартномани бекор қилиш тартиби ва шартлари;

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда пул маблағларини қайтариш тартиби;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатишга тақдирда, хусусий бандлик агентлигида лицензия мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар, лицензиянинг тартиб (рўйхатдан ўтказиш) рақами ва берилган санаси кўрсатилган ҳолда.

16-модда. Хусусий бандлик агентлигининг ҳуқуқлари

Хусусий бандлик агентлиги қуйидаги ҳуқуқларга эга: хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ пуллик хизматлар кўрсатиш; ишга жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ахборот олиш;

иш қидираётган шахслардан, шунингдек иш берувчилардан ишга жойлаштириш учун зарур бўладиган ҳужжатлар ва ахборот олиш;

иш қидираётган шахслар ва иш берувчилар ишга жойлаштириш масалаларига доир ҳужжатларни ҳамда ахборотни тақдим этмаган тақдирда хизматлар кўрсатишни рад этиш.

17-модда. Хусусий бандлик агентлигининг мажбуриятлари

Хусусий бандлик агентлиги:

иш қидираётган шахсларга ёки иш берувчиларга фақат хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида хизматлар кўрсатиши;

хизматлар кўрсатиш чоғида буюртмачининг манфаатларини ифодалаши;

хизматлар кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

хизматлар кўрсатиш жараёнида буюртмачидан олинган ҳужжатларнинг бут сақлаишини таъминлаши;

иш берувчининг ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахшнинг талабига кўра лицензиясини кўрсатиши;

иш берувчиларнинг ва иш қидираётган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ҳамда уларга жавоб қайтариши;

ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этиши;

хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги бажарилган шартномаларга оид архив материалларини шакллантриши ва сақлаши;

хусусий бандлик агентлиги тўғрисидаги маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини бир ҳафталик мuddатда хабардор қилиши шарт.

18-модда. Иш берувчиларнинг ва иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқлари

Иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштиришга, иш берувчилар учун кадрлар танлашга кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш, шунингдек ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бажарилшининг бориши ҳақида хусусий бандлик агентлигидан ахборот олиш;

хусусий бандлик агентлиги томондан шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома хусусий бандлик агентлигининг айби билан бекор қилинганлиги тўғайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зиён компенсация қилинишни талаб қилиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда тегишли давлат органларига, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларга, хусусий бандлик агентликларининг билршмаларига ёки судга мурожаат қилиш.

19-модда. Иш берувчиларнинг ва иш қидираётган шахсларнинг мажбуриятлари

Иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар:

хусусий бандлик агентликлари билан тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар шартларига риоя этиши; хусусий бандлик агентликлари билан тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар шартларига мувофиқ хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаши;

хусусий бандлик агентлигига ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган ишончли ва тўлиқ маълумотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Хусусий бандлик агентликларининг реестрини юритади; лицензияни беради, қайта расмийлаштиради, лицензиянинг амал қилишни тўхтатиб туради, қайта тиклайди ва тугатади, лицензияни бекор қилады; хусусий бандлик агентликлари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг иҷросини, иҷрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЁВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 октябрь
№ УРҚ—500

Ўзбекистон Республикасининг Президентлиги

Хусусий бандлик агентликларининг реестрида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда лицензияни бериш, қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тугатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилады.

21-модда. Хусусий бандлик агентликларининг реестри

Хусусий бандлик агентликларининг реестри хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги янгиланиб турадиган ёзувларни ўз ичига олган маълумотларни ягона ахборот базасидир.

Хусусий бандлик агентликларининг реестрида хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон рақами;

хусусий бандлик агентлиги раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

лицензия берилган (қайта расмийлаштирилган, лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, у бекор қилинган, дубликатлари берилган) сана ва унинг рақами (мавжуд бўлган тақдирда).

Хусусий бандлик агентликларининг реестридаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

22-модда. Юридик шахсни Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритиш тартиби

Юридик шахс Хусусий бандлик агентликларининг реестрига кириш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига қуйидаги

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида

(Давоми. Бошланши 1, 2-бетларда).

Лицензия Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан чекланмаган муддатга берилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга оширишнинг лицензияга оид талаблари ва шартлари куйидагилардан иборат:

меҳнат ва миграция тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мажбурий равишда риюа этиш;

фақат ушбу Қонунда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш;

штатда олий маълумотли раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида икки нафар ходимнинг мавжудлиги;

лицензияловчи орган белгиланган тартибда уч йилда камида бир марта юридик шахс ходимлари томонидан малака сертификатини олиш;

ушбу фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан хусусий ёки ижарига олинган бинонинг мавжудлиги, тегишли моддий-техника базасидан, бошқа техника воситаларидан фойдаланиш;

лицензия давъогари томонидан эллик минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жағфармасида заҳира қилиб қўйиш.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

24-модда. Хусусий бандлик агентлигининг ҳисоби ва ҳисоботлари

Хусусий бандлик агентликлари ҳисоб ва ҳисоботларни юритади. Ҳисоботлар хусусий бандлик агентлигининг танловига кўра қорозда ва (ёки) электрон шаклда тузилиши мумкин. Хусусий бандлик агентлигининг электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботлари хусусий бандлик агентлиги раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Давлат хусусий бандлик агентликлари томонидан ҳисобга олишнинг электрон тарзда юритилишини дастурий таъминотни имтиёзли шартларда ёки бепул тарқатиш орқали рағбатлантиради.

Хусусий бандлик агентлиги ҳисоботларни фақат давлат статистика органларига ва давлат солиқ хизмати органларига, шунингдек ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этади.

Давлат органларига хусусий бандлик агентликлари учун ҳисоботларнинг қонунда назарда тутилмаган қўшимча турларини белгилаш тақиқланади.

25-модда. Хусусий бандлик агентликларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги

Хусусий бандлик агентликлари аҳолини ишга жойлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар куйидаги йўналишлар бўйича хусусий бандлик агентликлари билан ҳамкорлик қилади ҳамда уларга кўмаклашади: иқтисодийёт тармоқларида талаб қилинган касблар ва малакаларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини олиш учун танловларда иштирок этишга жалб этиш, шунингдек аҳолини ишга жойлаштириш соҳасида бошқа хизматлар кўрсатиш;

хусусий бандлик агентликларининг сўровлари бўйича бўш ва ташкил этилаётган иш ўринлари, шунингдек иш қидираётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;

аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга, шу жумладан хорижда амалга оширишга жалб этиш;

аҳолини ишга жойлаштириш соҳасида давлат-хусусий шериклини ривожлантириш;

аҳолини ишга жойлаштириш соҳасида ахборот кампаниялари, конференциялар, симпозиумлар, семинарларни биргаликда тайёрлаш ва ўтказиш.

26-модда. Хусусий бандлик агентликларининг бирлашмалари

Хусусий бандлик агентликлари умумий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида хусусий бандлик агентликларининг бирлашмаларини тузиш ҳуқуқига эга.

27-модда. Хусусий бандлик агентликларини давлат томонидан рағбатлантириш

Хусусий бандлик агентликларини давлат томонидан рағбатлантириш куйидагилар орқали амалга оширилади: улар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳолини ишга жойлаштириш ва унинг бандлиги соҳасидаги дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишда уларнинг иштирокчини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш; уларнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборот билан таъминлаш;

ишга жойлаштириш соҳасида солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар белгилаш;

хусусий бандлик агентликлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда кўмаклашиш.

Хусусий бандлик агентликларини давлат томонидан рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

28-модда. Хусусий бандлик агентлигини тугатиш

Хусусий бандлик агентлигини тугатиш унинг таъсисчилари ёки таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколатли бўлган унинг органининг қарорига кўра ёҳуд суднинг қарори бўйича амалга оширилади.

Хусусий бандлик агентлиги тугатилганда бўшатилаётган ходимларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риюа этилиши кафолатланади.

Хусусий бандлик агентлиги рўйхатдан ўтказувчи органининг тегишли давлат реестрига тугатиш тўғрисидаги ёзув киритилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва

меҳнат муносабатлари вазирлиги хабардор қилинган ҳолда тугатилган деб ҳисобланади.

29-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги 510–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616–I-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 263-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) куйидаги қўшимчалар киритилсин:

- 1) **10-модданинг иккинчи қисми** «меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали» деган сўзлардан кейин «шунингдек хусусий бандлик агентликларининг хизматлари воситасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 2) **13-модданинг иккинчи қисми** «Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» деган сўзлардан кейин «ва хусусий бандлик агентликлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 3) куйидаги мазмундаги **18'-модда** билан тўлдирилсин:

«18'-модда. Хусусий бандлик агентликларининг аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашишдаги иштироки

Хусусий бандлик агентликлари иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга куйидаги хизмат турларини кўрсатиш йўли билан кўмаклашади: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш; иш бевуричлар учун кадрлар танлаш; Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш; ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари».

2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар; № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA TEZ TIBBIY ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланши 1-бетда).

тез тиббий ёрдам хизматининг ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва амалиёт ўтатини, шу жумладан, хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида амалиёт ўтатини ташкил этиш;

тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига устамалар, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш;

тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Тез тиббий ёрдам хизматини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан молиялаштиришнинг амалдаги тартиби ва ҳажмлари сақлаб қолинсин.

Жамғарманнинг маблағларини бошқариш ва тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳайъати қарори асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Вазирлик белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхатлар бўйича махсус автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, тиббиёт ускуналари ва сарфланадиган материаллар, компьютер техникаси, алоқа воситалари, техника ўқитиш воситалари, адабиётлар ва тез тиббий ёрдам хизматига зарур бошқа моддий-техника ресурслар учун 2022 йил 1 январьга булган муддатда божхона тўловларидан озод этилсин (божхона йиғимлари бундан мустасно).

5. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда: Жамғарма тўғрисидаги низомни ҳамда Жамғарма даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартибин; Жамғарманнинг 2019 йилга мўлжалланган ҳаражатлар сметасини, шу жумладан, ушбу қарорни ижро этиш учун зарур маблағларни назарда тутган ҳолда тасдиқласин.

6. Куйидагилар: **2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг намунавий индикаторлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки: тез тиббий ёрдам хизмати

фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳола-ниши ва Вазирлиқнинг веб-сайти-да эълон қилиб борилиши лозим; баҳолаш натижалари тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини мод-дий рағбатлантириш учун асос бўлади, шунингдек, хизмат муас-сасаларини раҳбар кадрлар билан тўлдиришда ҳисобга олинади.

7. Вазирлик: Ўзбекистон Республикаси Инно-вацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (кейинги ўринларда — Миллий палата) билан биргаликда икки ой муддатда Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига самара-дорлигини баҳолашнинг намунавий индикаторларини ҳисобга олган ҳолда тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тарти-би ва методикасини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фавқулодда вазирлиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Паровозлар ҳавфсизли-гини назорат қилиш давлат инспекцияси ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК билан биргаликда тез тиббий ёрдам хизматини 2020 йилдан бошлаб авиация те-хникаси билан жиҳозлаш ва (ёки) авиация хизматларини харид қилиш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида харид қилиш бўйича тақлифларни 2019 йил 1 мартга қадар Ўзе-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

чакирувлар тузилмасидан, тез тиббий ёрдам бригадалари томо-нидан кўрсатиладиган ёрдам ҳажми ва хусусиятидан келиб чи-қиб, фельдшерлик бригадалари улушини оширган ҳолда тез тиб-бий ёрдам хизматини 2019 йил якунига қадар қайта тузиб чиқсин;

икки ой муддатда республика-нинг айрим ҳудудлардаги тез тиб-бий ёрдам хизматини бошқариш ҳуқуқини давлат-хусусий шерикли-ги асосида инвесторларга ўтказиш бўйича аниқ тақлифларни Ўзе-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Вазирлиқнинг **Шошилинч тиббий ёрдам ўқув марказини Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-масгулот маркази** этиб (кейинги ўринларда — Мар-каз) қайта ташкил этиш тўғриси-даги тақлифига розилик берилсин. Белгилансинки, Марказ тибби-ёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрлар-ни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича базавий методик муассаса ҳисобланади.

9. Куйидагилар Марказнинг асосий вазибалари ва фаолият

йўналишлари этиб белгилансин: авария-қутқарув хизматлари, давлат органлари ва ташкилотла-ри, бошқа юридик шахслар ходим-ларини, шунингдек, фуқароларни шошилинч тиббий ва тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўқитиш, қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш; шифохонагача тиббий ёрдам кўрсатиш шакллари ва методлари-ни ишлаб чиқиш ҳамда такомил-лаштириш;

шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш; шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари этиб келгуни-га қадар ёрдам кўрсатиш соҳа-сида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёр-лаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини такомил-лаштириш;

шошилинч тиббий ҳамда тиб-биёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида семинар-тренинглар, мастер-класслар, вебинарлар, телеқўрик-лар ташкил этиш ва бу жараёнга етук хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

шошилинч тиббий ҳамда тиб-биёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳа-сида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёр-лаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини такомил-лаштириш;

шошилинч тиббий ҳамда тиб-биёт ходимлари этиб келгуни-га қадар ёрдам кўрсатиш кўник-маблағлари ҳисобидан ўтиши белгилаб қўйилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Вазирлик билан биргаликда Марказдаги таълим жараёни, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифати устидан мунтазам назорат ва мониторинг ўрнатсин.

14. Вазирлик Тошкент вилояти ҳокимлиги ва “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар “Чорвоқ” эркин туристик зонаси ҳудудида тез тиббий ёрдам хизмати параметридаги фаолияти-ни ташкил этиш бўйича қуйидаги-ларни назарда тутган синов лойи-ҳасини амалга оширсин:

парамедикуляр томонидан фуқа-роларга кеча-кундуз узлуксиз юқори малакали тез тиббий ёрдам кўрсатиш;

тез тиббий ёрдам хизмати бригадаларининг ҳайдовчилари ва коммуникацияларни ривож-лантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) 2019 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрида, 2019 йил 1 ок-тябрдан бошлаб республиканинг қолган ҳудудларида тез тиббий ёрдам бошқармасининг қуйидаги имкониятларга эга автоматлашти-рилган тизимини (кейинги ўрин-ларда — автоматлаштирилган ти-зим) яратсин ва фойдаланишига топширсин;

аҳолининг қақурувларини қабул қилиш ва рўйхатга олиш, устулик тартибидида хизмат кўрсатиш лозим бўлган қақурувларни автоматик белгилаш;

махсус автотранспорт ҳаракати-ни бошқариш, шу жумладан, GPS-навигациядан фойдаланган ҳолда, кейинчилик босқича-босқич ра-қамли радиоалоқага ўтиш орқали автотранспорт ҳаракатини монито-ринг қилиш;

тез тиббий ёрдам сўраб муро-жаат қилган шахслар жойлашган жойини телефон (мобил) алоқаси орқали автоматик аниқлаш;

тез тиббий ёрдам ёрдам бри-гадаларини мобил иловалар ёрда-мида, шу жумладан, имкониятла-ри чекланган шахслар учун қақи-риш;

фойдаланиладиган дори воси-талари ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олиш;

ва туристлар тўпланадиган жойлар-да парамедикуляр патруллик қат-новларни йўлга қўйиш.

15. Вазирлик: 2019 йил 1 февралга қадар парамедикуляр томонидан тез тиб-бий ёрдам кўрсатиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

2019 йил 1 апрелга қадар Мар-казда зарур миқдордаги фельд-шерларни парамедикуляр иختисос-лига ўқитишни, шу жумладан, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги етук хорижий мутахас-сисларни жалб қилган ҳолда ўқитишни таъминласин;

2019 йил якуни бўйича тез тиб-бий ёрдам хизматида парамеди-куляр фаолиятини кенгайтириш бўйича асослантирилган тақлиф-ларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Вазирлик Ўзбекистон Рес-публикаси Ахборот технологияла-ри ва коммуникацияларни ривож-лантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) 2019 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрида, 2019 йил 1 ок-тябрдан бошлаб республиканинг қолган ҳудудларида тез тиббий ёрдам бошқармасининг қуйидаги имкониятларга эга автоматлашти-рилган тизимини (кейинги ўрин-ларда — автоматлаштирилган ти-зим) яратсин ва фойдаланишига топширсин;

аҳолининг қақурувларини қабул қилиш ва рўйхатга олиш, устулик тартибидида хизмат кўрсатиш лозим бўлган қақурувларни автоматик белгилаш;

махсус автотранспорт ҳаракати-ни бошқариш, шу жумладан, GPS-навигациядан фойдаланган ҳолда, кейинчилик босқича-босқич ра-қамли радиоалоқага ўтиш орқали автотранспорт ҳаракатини монито-ринг қилиш;

тез тиббий ёрдам сўраб муро-жаат қилган шахслар жойлашган жойини телефон (мобил) алоқаси орқали автоматик аниқлаш;

тез тиббий ёрдам ёрдам бри-гадаларини мобил иловалар ёрда-мида, шу жумладан, имкониятла-ри чекланган шахслар учун қақи-риш;

фойдаланиладиган дори воси-талари ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олиш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларни шошилинч хизматларининг ахборот тизими-лари билан бирлаштириш;

фуқаролар томонидан тез тиб-бий ёрдам станциялари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг рейтингини юритиш.

б) Тез тиббий ёрдам хизмати станцияларининг Салл-марказлари-ни нормативларга мувофиқ тўлик

жиҳозлаш учун 2018 йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республи-каси ва вилоятлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан қўшимча телефон линиялари (рақамлари) ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки: автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқин ва унга хизмат кўрсат-иш, техник қўллаб-қувватлаш ва кейинчилик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функцияла-ри Вазирликка юклатилади;

автоматлаштирилган тизимнинг техник ва лойиҳаолди ҳужжатла-рини ривожлантириш вазирлиги томонидан тайёрланиди;

ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар Ўзбекистон Республи-каси Президентининг “Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаоли-ятини ташкил этишни янада тако-миллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги 2017 йил 16 мартдаги ПҚ–2838-сонли қаро-рида белгиланган ҳажмлар ва ман-баларда молиялаштирилади.

Вазирлик Жамғарма маблағла-ри ҳисобидан автоматлаштирилган тизимни фойдаланишга топшириш назарда тутилган муддатларда ички локал-ҳисоблаш тармоқлари яратилишини ҳамда тез тиббий ёрдам хизмати бўлимларини зару-р учусулалар ва анжомлар, шу жумладан, GPS-навигаторлар ва алоқа воситалари билан жиҳозла-нишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ахборот технология-лари ва коммуникацияларини ри-вожлантириш вазирлиги ҳамда (ёки) унинг ҳудудий бўлимлари буюртманомалари бўйича тез тиб-бий ёрдам хизмати станцияларининг Салл-марказларини телефон линиялари (рақамлари) билан таъ-минлаш учун маҳаллий бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

17. Белгилаб қўйилсинки: **Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Қ. Шодмонов** — тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини самара-ли ташкил этиш, махсус авто-транспорт харид қилиш ва транс-порт паркини ўз вақтида янгилаш, шунингдек, замонавий тиббиёт ус-куналари билан жиҳозлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси ахбо-

Владимир ТЮРДЕНЕВ:

«Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташири икки мамлакат муносабатларида муҳим воқеага айланади»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Дарҳақиқат, вазирликлар ва идоралар йўналишлари бўйича ҳам ҳамкорлик фаоллашди. Биргина 2018 йилнинг бошидан буён Россиядан Ўзбекистонга 30 дан зиёд делегациялар ташири бюргани бунинг тасдиғидир.

Минтақалараро алоқалар ҳам жадал ривожланяпти. Хусусан, 2017-2018 йилларда Россия минтақалари раҳбариятлари даражасида, жумладан, Чеченiston Республикаси ва Татарiston раҳбарлари, Санкт-Петербург, Челябинск, Ивановск ва Оренбург вилоятлари губернаторлари билан 20 дан ортиқ икки томонлама таширлар амалга оширилди. Олтой ўлкаси, Новосибирск ва Свердловск вилоятлари раҳбарлари ўринбосарлари даражасида делегациялар ташири бўюди. Яқин кунларда Тошкентда икки давлат Президентлари иштирокида «Ўзбекистон — Россия» ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўтказилди. Бу Россия Федерацияси субъектлари ва Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирикларини ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқот учун доимий майдонга айланади, шубҳасиз.

Россия — Ўзбекистон муносабатларининг ҳолати ва истиқболларини баҳолаганда, икки томонлама иқтисодий кўрсаткичларга эътибор қаратиш ўринлидир. 2018 йилнинг январь — август ойларида Ўзбекистон ташири савдосида Россиянинг улуши 18,3 фоизни ташкил этди. Бинобарин, Россия Ўзбекистоннинг етакчи савдо шериги бўлиб қолмоқда. Ўзаро товар айирбошлашнинг ижобий динамикасини инобатга олган ҳолда, 2018 йил якунида кўрсаткичларни беш миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилмапти. Бунда 2017 йилда йўлга қўйилган «яшил йўлак» — соддалаштирилган божхона ва фитосанитари назорати муҳим ўринга эга бўлиши керак. Зеро, шу орқали Ўзбекистондан Россияга мева-саб-

завот махсулотларини етказиб бериш мuddатлари сезиларли даражада қисқартирилди.

Атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорликнинг фаоллашуви ўзаро алоқалар учун катта воқеадир. Ўзбекистонда Россия технологиялари бўйича АЭС қуриш бу борадаги энг муҳим лойиҳа ҳисобланади. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташири чоғида икки мамлакат раҳбарлари томонидан мазкур қурилишга рамзий старт берилди.

Мутахассисларимиз ўзбекистонлик ҳамкасблари билан бюджетни прогноزلатириш, божхона ва солиқ қонунчилигини такомиллаштириш жабҳаларида энг яхши амалиётларни алмашиб келишмоқда.

Таълим соҳасидаги ўзаро алоқалар ҳам катта истиқболга эга. Ўзбекистон Россия олий ўқув юрталарида талабаларнинг тахсил олиш кўрсаткичлари бўйича етакчилар қаторида туради. 2017 йилда ўзбекистонлик 5500 дан зиёд абитуриентлар Россия олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Уларнинг 170 нафари Россия ҳукумати томонидан ажратилган таълим квоталари бўйича кирди. 2018 йилда мазкур квота 203 ўрингача кўпайтирилди. Уз навбатида, ўзбекистонликлар учун, жумладан, ижодий йўналишлар бўйича ҳам бюджет квоталарини келгусида янада кўпайтиришга доир келишув мавжуд.

Юртингизда самарали фаолият юритаётган М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети ҳамда И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети қаторига жорий йилнинг сентябрь ойидан Олмалиқда Москва пўлат ва қотишмалар институтининг Миллий технологик тадқиқотлар университети филиали ҳам қўшилди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб, Москва давлат халқаро

муносабатлар институти ва Москва муҳандислик-физика институти филиалларини очиб режалаштириляпти. Шунингдек, Ўзбекистон томони республика ҳудудларида А. Пушкин номидаги Рус тили давлат институти филиаллари ҳамда ОТМ базаларида «рус тили ва адабиёти» мутахассислиги бўйича таълим олиб борадиган рус тили марказларини очишга ҳам қизиқиб билдирмоқда.

Яна бир янгилик. Тошкентда мамлакатларимиз тарихида илк бор Таълим форуми бўлиб ўтди. Унда Россиядаги 80 дан ортиқ етакчи олий ўқув юрталари вакиллари қатнашди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил апрель ойида Россияга амалга оширган давлат ташири чоғида қиймати 16 миллиард долларлик ҳужжатлар имзоланган эди. Унда қўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш жараёни қандай кетмоқда?

— Тасдиқланган лойиҳаларнинг кўпчилиги саноат ва энергетика секторига рўйбга чиқариляпти. Хусусан, 2018 йил апрель ойида Бухоро вилоятида Қандим газни қайта ишлаш мажмуасининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу Россиянинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги энг йирик сармомоядори — «Лукойл» компанияси иштирокидаги навбатдаги йирик лойиҳа. Унинг умумий қиймати 3,4 миллиард доллардан ортиқ. Корхона йилга 8,1 миллиард кубометр газ қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қувватига эга.

Россиянинг бошқа бир энергетика гиганти — «Газпром» компанияси ҳам Ўзбекистонда фаол иш олиб бормоқда. У ўзбек газини сотиб олиш ва геология-қидирув ишларида иштирок этапти. Махсулотни тақсимлашга доир келишувга асосан, «Шоҳпахта» газ конини ўзлаштириш бўйича пилот лойиҳани амалга ошириш давом этириляпти.

Телекоммуникация соҳасида «ВимпелКом» компаниясининг «Юни-тел» МЧЖ шубҳа компанияси Ўзбекистон бозорига 2006 йилдан буён фаолият олиб борапти. Бугунги кунда унинг умумий инвестициялари ҳажми 1,15 миллиард доллардан зиёд. Компаниянинг алоқа бозорига қўшилган бўлиб қарийб 50 фоиз (10 миллион абонент)га тенг.

Россиянинг «Евроцемент» холдинги таркибидagi «Охангаронцемент» ОАЖ Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқариш қуввати бўйича иккинчи ўринда туради. Ҳозирги кунда холдинг томонидан Тошкент вилоятида «қуруқ усул» билан цемент ишлаб чиқариладиган янги заводни барпо этиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда.

«Чирчик қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ базасида «Ростсельмаш» заводи иштирокида қўшма корхона ишлаб чиқариш бўйича кўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда.

— Шу кунларда юртимизга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташири билан келади. Юқори даражадаги учрашувлардан нималар кутишмоқда?

— Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташири икки мамлакат муносабатларида муҳим воқеага айланади. У нафақат 2017 йил апрель ойида Москвада эришилган келишувларни амалга ошириш натижаларини кўриб чиқиш, балки Россия — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиш, икки мамлакат халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришда янги тугаш нуқталарини излаш имконини беради.

— Мазмунли сўхбатингиз учун раҳмат!

«Халқ сўзи» мухбирлари Омонулла ФАЙЗИЕВ ва Саиджон МАХСУМОВ сўхбатлашди.

Термиз шаҳрида Афғонистон Ислон Республикасининг бош консулхонаси очилди

Ташири ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабарига қўра, шу муносабат билан ташири этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича Махсус вакили Исмагулла Иргашев, мамлакатимизга амалий ташири билан келган Афғонистон Ислон Республикаси ташири ишлар вазири ўринбосари Носир Аҳмад Андиша қатнашди.

ҲАМКОРЛИК

Мулоқотда олий даражадаги Ўзбекистон — Афғонистон учрашувлари доирасида эришилган келишувларни рўйбга чиқаришнинг амалий жиҳатлари ҳақида сўз юритилиб, минтақавий муаммолар бўйича фикр алмашилди.

Бош консулхона Сурхондарё вилоятида яшайётган, бизнес билан шуғулланаётган, таълим олаётган Афғонистон фуқароларининг қоний мафлаатларини таъминлайди. Турли тадбирлар уюштиради. Қўшни мамлакатга борувчилар учун виза расмийлаштириб беради.

Носир Аҳмад Андиша Афғонистон раҳбарияти номидан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида кўрсатилаётган кўмак ҳамда Термиз шаҳрида Афғонистон бош консулхонасини ташири этилган боғлиқ масалалар тезда халқ қилиб берилгани учун Ўзбекистон томонига самимий миннатдорлик билдириди. Тадбирда Афғонистон Ислон Республикасининг Ўзбекистондаги Факултета ва мухтор элчиси Саид Шаҳобиддин Темирий, Сурхондарё вилояти ҳокими вазири Иброҳим бажарувчи Б. Пўлатов иштирок этди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига! «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Тошкент вилояти минтақавий филиали Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, «Аския» деҳқон бозори атрофида 24/7 тартибда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчасининг лойиҳаси таъминоти билан қуриш бўйича танлов эълон қилади. Қабул мuddати танлов газетлада эълон қилинган санадан бошлаб — 5кун. Ёзма шаклдаги тижорат тақлифларида қуйидагилар кўрсатилиши лозим: — тижорат тақлифи; — тўлов шартлари; — ташиқлотнинг устави, гувоҳномаси ва лицензияси ҳамда раҳбарнинг паспорт нусхаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 53-«Б» уй. Тел./факс: 78 150-79-09, 78 150-79-25. Электрон почта манзили: info.toshkent_viloyat@qbb.uz

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИLMИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)га қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун қабул эълон қилади: Т/р Шифри Ихтисослик номи 4. 08.00.12 Минтақавий иқтисодиёт 1. 08.00.02 Макроиқтисодиёт 3. 08.00.10 Демография. Меҳнат иқтисодиёти 2. 08.00.07 Молия, пул муомаласи ва кредит (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадидлар. Талабгорларда IELTS (ўртача балли камида 5,5) TOEFL (PBT) (567 балдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 балдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда, чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади. Докторантура (DSc)да ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: ● ариза; ● қисқача биографик маълумотнома; ● меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун); ● олий таълим магистратураси дипломи нусхаси; ● нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари; ● Ўзбекистон Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар. Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Ислон Каримов шохкўчаси, 49-уй, Тошкент давлат иқтисодиёт университети бош биноси, 14-қават, 14-07-хона. Телефон: 71 239-29-42. website: www.cedr.uz e-mail: info@cedr.uz)

«AGRO SANOAT MILK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади. «Agro sanoat milk markazi» МЧЖда 2018 йил 16 ноябрь кунин соат 11.00 да бошланғич баҳоси олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташиқлотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Транспорти прокуратурасига тегишли қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/751 ZDF бўлган «Nexia» русумли автотранспорт воситаси. ● Бошланғич баҳоси — 31 477 000 сўм. Автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси асосида сотилади. Олди-сотди шартномаси аукцион савдоси натижалари имзоланган санадан бошлаб беш кун мобайнида тузилиши шарт. Олди-сотди шартномаси бўйича тўлов олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб беш кун мобайнида 100% тўланиши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: 71 250-95-96. Гувоҳнома: 006388

БИЗНЕСИНГИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН СИЗ БИЛАН БИРГА! «Ўзмиллийбанк» инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида чет эл банклари ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан чет эл валютасидаги кредитларни тақлиф этади. Батафсил маълумотларни 71 148-00-10 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. www.nbu.uz

Халқ сўзи Народное слово Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 063 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. МҲАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71 233-52-55; Котибият 71 233-10-28; Эълонлар 71 232-11-15. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.00 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6

Ташириятта келган қўбзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштириш ташиқлот жавобгар. Газета таширият компьютер марказида термиз халқ оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71 233-11-07. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусаҳҳих — С. Ислмов.